



# O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil, 29-yanvar. Payshanba • 13 (31.916)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

**БРИФИНГ**



## Сайловга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда

Шу кунларда мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда. Барча сиёсий партиялар ушбу сайловда иштирок этиш истагини билдирди. Кун кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларга сайловда қатнашиш учун ижозат берилди. Айти пайтда сиёсий партиялар бўлажак номзодларни қўллаб-қувватлаш бўйича имзо тўплаш ишларини давом эттирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ташкилий тайёргарлик жараёнларини изчил олиб бормоқда.



Саъдулло ШОТЎЛДАНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Жавдот Иноғомов сайлов кампанияси эълон қилинган кундан бошлаб ўтган вақт давомида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

Жорий йилнинг 29 март кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини муносабати билан Марказий сайлов комиссияси

томонидан Тошкент шаҳри чегараси доирасида 14-Тошкент шаҳар сайлов округи тузилиб, сайлов комиссияси ва унинг шахсий таркиби тасдиқланган. Шу асосда округ сайлов комиссиясининг иш режаси тузилиб, ташкилий ишлар амалга оширилган. Шунингдек, сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилик тартиби белгиланган ва 653 та сайлов участкаси ташкил этилган.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини назорат қилиш ва сайлов участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида округ сайлов комиссияси аъзолари туманларга бириктирилган. Қонунчиликка асосан сайлов комиссияси учун бино ва хоналар ажратилган, улар зарур жиҳозлар, қонун ҳужжатлари тўпламлари билан таъминланган.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

**ЎЗХДПНИНГ ЁШ ФАОЛЛАРИ**

### «МЕН ХДП АЪЗОСИ ЭКАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН»

**Унинг истиқболига ишонаман»**

■ *Ўтган йилнинг ёзи. Қарши шаҳри. Қашқадарё дон экинлари уруғчилиги ва селекцияси илмий-тадқиқот институтининг кенг ва шинам мажлисхонасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари ва партия ташкилотларининг вазифаларига бағишланган анжуман бўлаётган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия ташкилотлари етакчилари қатори ёшлар ҳам бирин-кетин ўз фикрларини билдираётгандилар.*

Шунда бир қиз сўз сўради ва деди гап бошлади. Мен нотикларнинг фикрларини қайд этиб бораётган эдим. Бу сафар ёзини унутиб қўйибман. Нега десангиз, ёш нотикнинг нутқи янги фикрларга тўла эди. У ёшларнинг орзу-умидлари ҳақида жўшқинлик билан тирак мулоҳазаларини айта бошлади. Кутилмаганда нутқини инглиз тилида давом эттирди. Мен инглиз тилини билладиган ёшларнинг бирдан сўратганимда, «Мен ЎЗХДП аъзоси эканлигимдан фخرланаман. Унинг истиқболига ишонаман» деган фикрларни таржима қилиб берди.

— Мен кўп йилларда сўзга чиққанман, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каримова. — Яширмайман, олдиндан анча тайёргарлик кўраман. Аммо мана шу қизимизнинг, адашмасам, БПТ стакчиси экан чоғи, сўзлари менга маъқул тушди. Жилланмаган, аммо ички мантқиқ кучли. Менимча, илмий, изланувчан. Шу ташкилотчи қизимиз ҳақида ёзсангиз, дегандим.

▶ Давоми 2-бетда.

«Бугунги кунда биз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришга қаратилган олис ва оғир йўлнинг фақат бир қисминигина босиб ўтдик, холос. Унинг ҳал қилувчи қисми ҳали олдинда. Яъни, бу йўлда ўз ечимини кутиб турган вазибаларимиз камайгани йўқ, аксинча, замон талаби билан уларнинг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Албатта, барчамиз бу ҳақиқатни яхши тушунамиз ва бу йўлда яна қанчадан-қанча кутилмаган қийинчиликлар, турли синовлар бўлиши мумкинлигини ҳам ўзимизга тасаввур қиламиз».

**ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА**

### Одамлар ишончини оқлаш учун виждонан ишлаш керак

Мамлакат парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда Фарғона вилоятида ЎЗХДП номзодларидан тўрт нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, 17 нафари халқ депутатлари вилоят Кенгашига ва 182 нафари шаҳар, туман Кенгашларига депутат этиб сайланди.

2

**ҲУДУДИЙ ИСЛОҲОТЛАР**

### Замонавий матбаа технологияси олиб келинди

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодиса, янгиликлардан асосан оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўламиз. Шу боис ушбу соҳани ривожлантириш борасида ҳудудларда ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда Сурхондарё вилоятида қарий 40 номдаги газета ва журнал нашр қилинмоқда. Бугунгача улар Қашқадарё, Самарқанд ва республикамизнинг бошқа вилоятларида чоп қилинарди. Бу матбаа нашрларининг вақтида ўқувчиларга этиб боришида қийинчиликлар туғдирарди. Эндиликда бу каби муаммолар ўз ечимини топди.

Яқинда «Денов босмахонаси» масъулияти чекланган жамиятига замонавий матбаа технологияси олиб келинди. Бир соатда 16 минг нусха матбуот нашрларини чоп этиш қувватига эга цехнинг умумий қиймати 273 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Жаҳон талабларига тўлиқ

жавоб берадиган «ROTOSTAR-16» русумдаги линияда матбуот нашрларини 4 хил рангда чоп этиш имкониятлари яратилди. Шу билан бир қаторда мазкур цехда китоб ва турли ўлчамдаги иш қоғозлари ҳам тайёрлаш мумкин.

— Янги босмахонанинг иш бошлагани вожадаги босма оммавий ахборот воситалари учун айти мудабо бўлди, — дейди босмахона директори Мухаммади Жўраев. — Бу жамоаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаши баробарида аҳолининг ахборотга бўлган талабини ўз вақтида қондириш имконини яратди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

### Халқимизнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришда парламентнинг ўрни, нуфузи ошиб бормоқда

■ Шундай гоё, шундай дастурлар бўладики, улар маъно-мазмун, моҳият-эътиборига кўра, халқ, мамлакат тарихида янги даврни бошлаб беради. Президент Ислам Каримов илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси шу маънода юртимиз ижтимоий-сиёсий тараққиёти, ҳеч шубҳасиз, янги босқичга ўтишига асос бўлди, ҳаётимизни эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг Стратегик дастурига айланди.

Мазкур Концепция гоёлари асосида мамлакатимиз парламентига бу галги сайлов янада демократик тартиб-қоидалар жорий этилаётган, халқимизнинг демократик тафаккури тобора ўсиб бораётган шароитда ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 23 январь кунини бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президент Ислам Каримов мазкур сайловга, унинг халқимиз ҳаётини демократлаштиришдаги аҳамиятига юқори баҳо берди.

Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг маърузасида бу галги сайловлар аввалбор жамоатчилигимиз, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, стуклик даражаси сезиларли ошганини кўрсатгани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий қилинаётган демократик ўзгариш ва ислохотларнинг амалий натижаларини намоён этганига эътибор қаратилди.

▶ Давоми 2-бетда.

### Ёшлар ишли бўлди

ва тумандаги корхона ҳамда ташкилотлар фаолияти ҳақида маълумот олишди

ЎЗХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда Хўжайли туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказди.

2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Ўзбекистонда парламент ислохотлари янги босқичга кўтарилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олмоқда.

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Халқимизнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришда

Шу ўринда яна бир масалани тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги таркиби эндиликда янги тартиб-таомиллар, жаҳонда умумэтироф этилган мезон ва қоидалар асосида фаолият юритади. Мазкур қоида ва мезонлар аввало Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси гояларининг ҳаётимизга бевоқиф таътиб этилиши билан боғлиқдир.

Айтиш жоизки, парламент палаталарининг янги қақариқдаги дастлабки қўшма мажлиси Концепция гояларига асосидаги тартиб-қоидаларга мувофиқ тарзда ўтди. Хусусан, унда парламент олдидаги энг муҳим вазифалар билан бирга, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим масала — Бош вазир, яъни ҳукумат раҳбарини тасдиқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Бу тартиб Олий Мажлис палаталарининг ролини янада кенгайтириш, хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш йўлидаги жуда муҳим қадам бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳокимиятларининг масъулияти кучайишида, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашиларда уларнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш, шу асосда тегишли ҳулосалар чиқариш тартибларининг амалга оширишда бу сиёсий воқеа катта аҳамият касб этади.

Конституциямизга киритилган ўзгариш ва ўқимчаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини такдим этилган

«Давоми. Бошланғич1-бетда»

## парламентнинг ўрни, нуфузи ошиб бормоқда



Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиб, уни Олий Мажлис палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этилди. Бош вазир лавозимига номзод Олий Мажлисда унинг ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин мuddатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини тақдим қилди.

Ушбу Ҳаракат дастурига Президент Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган 2015 йилда ва кейинги йилларда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг стратегик вазифалари асос қилиб олинди. Жумладан, унда юртимиз иқтисодиётини замонавий мезон ва талаблар асосида ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиётимизнинг жаҳонда рақобатбардошлигини кучайтириш билан боғлиқ етти та йўналишдаги энг муҳим вазифалар қамраб олинди. Ҳар бир йўналишда амалга ошириладиган ишлар, ишлаб чиқариладиган дастурлар, уларнинг иқтисодий асослари ва кутилаётган натижалари ҳақида батафсил ахборот берилди.

Шундан сўнг Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ва Сенати аъзоларининг кўпчилик овози билан тасдиқланди. Мамлакат ҳукуматини шакллантиришнинг ушбу тартибда амалга оширилиши ривожланган демократик давлатлар таърибига, умумэтироф этилган меъёр ва қоидаларга тўла мос келади. Бу тартиб давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда, ҳокимиятлар ўртасида манфаатлар мувозанати ҳамда ўзаро тийиб туриш тамойили таъминланишида, парламентнинг мамлакат ҳаётида обрўси ҳамда таъриб кучи ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Парламентдаги халқ вакиллари — депутатлар, сенаторларнинг мамлакат Бош вазирини тасдиқлаши бу борада халқимиз хоҳиш-иродаси амалга ошганини, улар ўз вакиллар орақли давлат ҳокимиятини ташкил қилишда, бошқаришда иштирок этаётганини аниқлади. Эндиликда парламент Конституциямизга мувофиқ ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини амалга

оширади. Бу халқ назорати рўёбга чиқишига, фуқароларнинг устувор ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Ҳукуматнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури эълон қилинаётганда сиёсий партиялар фракциялари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим стратегик масалалари юзасидан ўз фикри, муносабати ва позициясини билдириш, тегишли саволларига жавоб олиш, айрим масалаларга янада ойдинлик киритиш имконига эга бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Натижада бундан буён парламентдаги муҳокамалар янада изчил тус олади. Сиёсий партиялар фракциялари, муайян депутатлар ўртасидаги рақобат, ўзаро тортишувлар янада самарали бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси референдумга кўра, депутатлар фаолияти, позициясини кўрсатиш, бирон масала муҳокамаси юзасидан нуктаи назарини ҳамда таъкидлаш керак.

Бир сўз билан айтганда, депутатлар, парламентдаги халқ

вакиллари жонқурлиги, фақат юртимиз тараққиёти ва юксалиши ҳақида ўйлаши, қайғуриши билан бутун жамиятга ўрнак бўлиши учун сабаб ва омили етарли. Мамлакатимизда демократия қарор топиши, унинг илдиэлари мустақамланиши, халқимизнинг онгу тафаккури, қалбидан чуқур жой олиши, ҳаёт тарзига айланиши кўп жиҳатдан депутатларнинг талабчанлигига, фидойилик кўрсатишига боғлиқ, десак, асло хато бўлмайди.

Сайловчилар бу галги парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларига сайловда катта фаоллик кўрсатиб, юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти бунёд этиш йўлидаги эзгу ислохотларни астойдил қўллаб-қувватлаётганини намойиш этади. Ўз навбатида бу яна бир нарсани — халқимиз парламентга сайлаган вакиллари кўп нарса кутаётгани, ҳаётимизни янада фаровонлаштириш, тараққиётимизни жадаллаштириш йўлида уларга катта умид боғлаётганини аниқлатади.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

■ ЎзХДПнинг Ёш Фаоллари

■ Депутатга ваъда бердим. Ўша кунни партиямизнинг ёш фаоли билан танишдим...

Нодира Умарова мактабда яқин ўқиди. 2004 йилда Ташкент ахборот технологиялари университетида ўқишга кириб, касб таълими бўйича бакалавр мутахассислигини эгаллади. 2009 йилда Ташкент давлат техника университети магистратурасида таълим олди. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва уларни акс эттириш йўналишини чуқур ўрганди ва бир жаҳон орзу билан Муборакка қайтди.

## «Мен ХДП аъзоси эканимдан фахрланаман»

Унинг истиқболига ишонаман»

Муборак шаҳри бугун нафақат газни қайта ишлаш заводи туфайли балки замонавий қурилиши, сахро бағридаги кўркам бинолари билан ҳам мамлакатга донг таратди. Айниқса, газ ва нефть қазиб чиқаришга ихтисослашган ўқув юртлари тобора ривожланиб бормоқда. Нодира шаҳар марказидаги ижтимоий-иқтисодиёт колледжга ишга кирди. Айни пайтда коллежда 650 талаба компьютер графикаси, ахборотлаш технологияси, электрон ҳисоблаш машиналари каби 5 йўналишда таълим олмақда. Нодира Умарова уларнинг энг сеvimли устозларидан бири.

Нодира ўз устидан тинмай ишлади. Айниқса, инглиз тилини яқин билиши хорижий адабиётлар билан танишиб бориш имконини бермоқда. Ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган Республика танловида голибликни қўлга киритди. Республика касба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган «Энг фаол ўқувчи» танловида ҳамда Италиянинг Турин шаҳрида ўтказилган халқаро танлов йўлланмасини қўлга киритди.

2009 йилда ЎзХДП сафига ўтди. Партиямиз Муборак туман кенгаши раиси Алина Парпиева унга муҳим ишларни топшира бошлади. Нодира эса ҳар бир вазифага юксак интизом ва масъулият билан ёндашди. Ҳисобот-сйллов йиғилишида Нодира Умарова худудий бошланғич

партия ташкилоти раислигига сайланди. У ерда партия аъзолари сони 20 нафарга етди. Яқинда ёш ўқувчи Дилбар Аҳмедовани ЎзХДП сафига қабул қилишди. Ростки, Нодиранинг ўзи партиёга ўтаётгандек ҳаяжонланди. Ўтган йилнинг охири эди. Коллеж директори Абдуғани Қурбонов Нодирани ҳузурига чақириб, анча суҳбатлашди. Режаларини сўради. Ёрдан беришини айтди. «Майли, ёшлар билан шуғулланавер, илминдан уларни баҳраманд қил», деди.

— Аввало, шунча имкониятларни яратиб бераётгани учун ҳукуматимиздан миннатдоримиз, — дейди Нодира. — Фақат фаол меҳнат қилиш, эл-юртга кўпроқ наф келтириш лозим. Президентимиз қайси масалада гапирмасин, ёшларга катта ишонч билдириб келади. У кишининг эътиборини доимо ҳис этиб туришимиз. Мен бунга жавобан сиёсий билимимни оширишга, партиямиз гояларини ҳаётга таътиб этиш ишларида фаол қатнашишга қарор қилганман.

Унинг ташкилотчилиги туфайли ёшлар орасида партиямизнинг мақсад-гояларини юракдан ўрганаётганлар кўпайиб бормоқда. Улар сафимизга келиб қўшилмоқда. Яна бир гап. Нодира ўтган йилнинг охирида ўтказилган «Парламент билимдонлари» онлайн танловида фахрли ўринни олди. Унинг орзу-режалари кўп. Энг муҳими, у партиямиз аъзоси эканидан фахрланади, унинг истиқболига ишонади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Давоми. Бошланғич1-бетда»

■ БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

## Наманганда меҳнат ярмаркаси

Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида юз нафардан зиёд фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

Шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қирққа яқин корхона, ташкилот ва муассаса 330 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақсулари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағиш қилинган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди, — дейди Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директорининг ўринбосари Акмал Эгамбердиев. — Маърузада

2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилгани, уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларида яратилгани қайд этилди. Бу борада иш берувчилар ва ўқувчиларни кенг жалб этган ҳолда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамият касб этаётди.

Ярмаркада иш сўраб мурожаат қилган фуқароларга кичик бизнес соҳасида амалга оширилаётган янги лойиҳалар ва яратилиши кўзда тутилаётган иш ўринлари ҳақида қўргазмали воқеалар орқали батафсил маълумот берилди. 107 нафар фуқарога ўз мутахассислиги, қизиқиши ва қобилиятига кўра ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди. Бундан ташқари, 60 дан зиёд касб-хунар коллежи битирувчилари билан таълим муассасаси ва иш берувчи ўртасида уч томонлама шартнома тузилди.

Тадбир иштирокчиларига меҳнат қонунчилиги, имтиёз ва кафолатлар, битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш масалалари юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди.

А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири

■ ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда Хўжайли туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказди.

## Ёшлар ишли бўлди ва тумандаги корхона ҳамда ташкилотлар фаолияти ҳақида маълумот олишди

Меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур меҳнат ярмаркасида Нукус шаҳридаги 28 корхона-ташкилот 150 га яқин, Хўжайли туманидаги 80 корхона-ташкилот 180 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди.

Шу кунни меҳнат ярмаркасида иштирок этганлардан 63 нафари ишга жойлаштириш учун йўлланма олди. Масалан, Хўжайли туманида яшайдиган Мая Адилова Тахитов шаҳри Марказий шифохонасига ҳамшира, Мамбетсапа Алламбергенов «Тахитовшахтасаноаттаъминлаш» базаси МЧЖга хайдовчи, Жамила Куклонова тумандаги 10-сон мактабгача таълим муассасасига тарбиячи ёрдამчиси бўлиб ишга жойлаштириш учун йўлланма олди. Шунингдек, иштирокчиларга корхона ва ташкилотлар вакиллари томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Партиямиз ҳамкор ташкилотлар билан бирга йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси Президентининг барча худудда меҳнат ярмаркалари ўтказишни режалаштирган.

Ноқисбай ГАНИЕВ, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши бўлим мудири.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## Одамлар ишончини оқлаш учун виждонан ишлаш керак

— Халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашиларидаги депутатларнинг 32 фоизини партиямиздан сайланганлар ташкил этади. Бу Сайловолди дастуридаги амалга оширишда, электрор манфаатларини ҳимоя қилишда, энг муҳими, сайловчилар ишончини оқлашда барча худудларда партиямиз имкониятлари юқори эканини аниқлади. Халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашилари сессияларига масала киритишда, қарорлар қабул қилинишида бу имкониятдан ўринли, самарали фойдаланишимиз керак, — дейди вилоят «Маҳалла хайрия жамоат фонди раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Акрамжон Йўлбарсов. — Сафимизда ҳуқуқшунос, иқтисодчилар кўпайди. Ҳар жиҳатдан ҳаётий таърибга эга, эл ичида ҳурмат қозонган инсонлар кўпчилигини ташкил этади. Биз уларнинг билим ва таърибасига таяниб, одамларга фойдаси тегадиган ташаббуслар билан чиқишимиз, электрор манфаатига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинишига эришишимиз зарур.

Маҳаллий Кенгашларга, масалан, Ёзёвон туманида 20 нафар, Риштон, Фарғона туманларида 15 нафар, Тошқоқ, Учкўприк туманлари ва Фарғона шаҳрида 13 нафардан ЎзХДП номзодлари депутат бўлиб сайланди. Демак, мазкур худудларда бошқа партияларга нисбатан бизнинг имкониятларимиз юқорилик, сайловчилар кўпроқ бизнинг гояларимиз, номзодларимизга ишонч билдиришган. Энди биз депутатлар шунга муносабат билан кўра кўра Сайловолди дастурида белгиланган масалалар асосида аниқ режа тузиб, иш юритишимиз талаб этилади.

Пленумда парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайлов ақсулари билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик даврида партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокамаси этилди.

— Бу борадаги биринчи қадам сайлов кампанияси вақтида партия ташкилотлари ва сайланма органлари ишини ўзаро мувофиқ ташкил этиш бўлади, — дейди ЎзХДП Фарғона вилоят Кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳмамов. — Бунинг учун Сайловолди дастурида белгиланган масалалар асосида аниқ режа тузиб, иш юритишимиз талаб этилади. Бундан бизнинг асосий вазифамиз партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодга қонуний ҳуқуқларини амалга ошириши ва сайловолди

тадбирларини ўтказишига ёрдამ бериш ҳисобланади. Сайлов кампанияси даврида партия туман ва шаҳар кенгашлари бошланғич ташкилотларимиз аҳоли билан иш олиб борад эканлар, электрорлик вакилларини фуқаролик позициясини мустақамлашга ҳаракат қилишлари лозим.

Айниқса, Президент сайловидида биринчи марта овоз берадиган ёшларнинг фаолигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Дарҳақиқат, бўлажак Президент сайлови партиямиз гояларини тарғиб этиш, унга хайрихоҳлар сафини кенгайтириш учун ҳам катта имконият, масъулиятли имтиҳондир.

Маҳаллий ташкилотларимиз биринчи навбатда, Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини жамоатчилик орасида тарғиб қилишга эътиборни кучайтириши лозим, — дейди Учкўприк иқтисодиёт касб-хунар коллежи директори, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Гулчехра Хамидова. — Тегишли тарғибот материалларида — телевизон роликларда, сайловолди плакатларида партиямиз гояларининг устувор жиҳатларини тарғиб этиш, Ўзбекистон ХДП мақсадларининг ҳаётийлигини оқиб беришга ёрдამ берувчи шорлар ва чақирикларни тайёр-

Бошқа партияларга нисбатан бизнинг имкониятларимиз юқори-роқ, сайловчилар кўпроқ бизнинг гояларимиз, номзодларимизга ишонч билдиришган.

лаш керак. Пленумда, шунингдек, Президент сайловида партиямиздан кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзола-рини йиғишни ташкил этиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Мазкур жараёнда партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, бу борада қўнунчилик талабларига тўлиқ риоя қилиш масалалари хусусида фикрлар билдирилди. Кун тартибидидаги барча масалалар бўйича пленумда тегишли қарорлар қабул қилинди. Мухаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Давоми. Бошланғич1-бетда»

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# Қонуний меҳнат миграцияси

## сизни иш билан таъминлайди, ҳуқуқларингизни ҳимоя қилади

■ Одам савдоси — инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари, ҳатто ҳаётига тажовуз қиладиган, уни бировларнинг қўлида қўли бўлишга маҳкум этадиган, тақдир ва келажagini оёқ ости қиладиган энг оғир жиноятлардан саналади. Инсонни бегона юртларга олиб бориб, бировга сотиб юбориш, хорижий давлатларга қўл сифатида жўнатиш, ёш болаларни ўғирлаб, бошқа нопок шахсларга пуллаш каби мудҳиш воқеалар бугун дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунё миқёсида йилига 2 миллион 700 мингга яқин инсон одам савдоси жабрдийдасига айланмоқда. Уларнинг 90 фоиздан кўпрогини аёллар ва болалар ташкил этади. Қолаверса, уюшган жиноий гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг одам савдосидан оладиган умумий йиллик даромади 7 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, одам савдосига учраётган кишилар соддаликлари, ўз ҳаётларига, яқинлари тақдирини ва келажакка бефарқ бўлишлари, олий нэмат ҳисобланган ҳаёт тушунчасига энгил ва берпарво қарашлари оқибатида бундай ёвуз кимсаларнинг ўлжасига айланиб қолмоқдалар.

Сурхондарё вилоятида яшовчи фуқаролар Рустам, Сардор, Алишер ва Фанишерларнинг (исмлар ўзгартirilган) қўлларида яхшигина хунари

Ой охирида улар Русландан иш хақи сураганида, у йигитларни Жамшиддан сотиб олганлиги, бундан кейин улар фақат ишлаши кераклигини уқтиради.

Шундан сўнг йигитлар бу ердан қочишга уринишади, аммо уларни тўтиб олиб, аёвсиз калтаклашади. Бир неча бор уринишлардан сўнг йигитлар 2010 йил ноябрь ойида ҳеч қандай ҳужжатсиз қочиб чиқишади ва ўн кунлик сарсон-саргардонликдан кейин мамлакатимиз чегарасига ўтиб олишга муваффақ бўлишади...

Ушбу мисолдан ҳам билиш мумкин, ҳозирда фуқароларимиз ўз қонуний ҳуқуқларини яхши билмасликлари, баъзи нопок шахсларнинг алдовларига учиб, ўзга юртларга ноқонуний чиқиб кетишлари оқибатида юқоридаги каби ҳолатларга дуч келишмоқда.

Дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган кўпга хавф ва таҳдидлар қаторидан жой олган одам савдоси трансмилий кўлам касб этмоқда. Ушбу жиноят ҳафлилик даражасига кўра, уюшган жиноятчиликда наркотик ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Ҳар йили миллионлаб кишилар бу жиноятнинг қурбонига айланади. Уларнинг 90 фоиздан кўпрогини аёллар ва болалар ташкил этади.

Мамлакатимиз миқёсида сўнгги уч йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга одам савдоси қурбонлига айланган 1000 нафардан ортиқ фуқародан ариза келиб тушган. Ушбу муражаатлар асосида 700 га яқин жиноят иши кўзга тутилган. Айбланувчиларнинг ярмидан кўлини эса аёллар ташкил этади.

Ушбу иллатга қарши кураш самардорлигини ошириш борасида барча давлатлар томонидан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилишига ҳалқаро ҳамжамият алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз 2003 йил 30 августда БМТнинг «Трансмилий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция»-сига ҳамда 2001 йил 28 июнда «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол»ига қўшилиши ва бугунги кунга келиб юртимизда ушбу ҳалқаро ҳужжатлардан келиб чиқувчи

мажбуриятларни бажариш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун «Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси» тuzилгани ҳамда юқорида айтиб ўтилган қонун ва қарорлар, қўрилган чора-тадбирлар давлатимизнинг одам савдосидек мудҳиш жиноятга қарши курашиш борасида олиб бораётган сиёсатининг мантйқий давомидир.

Бундан ташқари, ҳозирги даврда жаҳонда меҳнат ресурсларига талаб кескин ошиб бормоқда. Йирик ишлаб чиқариш кучлари арзон ва сифатли ишчи кучи учун дунё меҳнат бозориде рақобатга киришган, ҳалқаро меҳнат миграция оқими кучайган давр. Албатта, бундай шароитда давлатлар оро миграция оқимларини тартибга солиш, нолегал миграция кўламини пайсатириш ҳамда мигрантлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига асосан ташкил этилган.

Агентликка меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш ва руҳсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш, бир сўз билан айтганда,

меҳнат миграцияси билан боғлиқ вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқларга эришиш, идораларо шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича ҳужжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларнинг кўмагида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиладиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ҳам чет элларга фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилладиган руҳсатномалар асосида чиқилади.

Хорижа ишлаш учун кетаётган фуқароларимиз хориждаги иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасига кўра, иш берувчи томонидан рўйхатга олиниб, меҳнат шартномалари легализация қилинади. Унинг яшаш ва меҳнат қилиш шарт-шароитлари, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, тиббий сугуртаси меҳнат шартномасига асосан кафолатланади.

Бундан хулоса шуки, огоҳ бўлинг, сизларни чет элларда иш билан таъминлаймиз деб, алдаб, ўзининг қабиҳиятини амалга оширишга уриниб турган нопок кимсалар ва айрим қўштирноқ ичидидаги фирмаларнинг қармоғига илينيб қолманг.

Қонуний меҳнат миграцияси масалалари бўйича ўзингизни қизиқтирарча барча саволларга Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларда ташкил этилган ишонч телефонларига кўнгириқ қилиб ёки интернетда жойлаштирилган сайтлар орқали атрофлича жавоб олишингиз мумкин.

**Самар МАМАШАКIROV,**  
Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Хорижий ходимларни ёлловчи юридик шахсларга руҳсатномалар бериш бўлими бошлиғи.



## Бир километрга югуриш

### марафон югуришдан афзалроқ

Ҳар куни 5-10 дақиқа тез ва оҳиста югуриш, худди соатлаб югурган каби, умрингизга умр қўшиши мумкин.



Фандаги бу янглик сўнгги изланишлар натижаси бўлиб, олимлар қисқа машгулотлар давомий, узоқ машқ қилиш каби саломатлик учун катта фойда келтиришини таъкидламоқдалар.

Тахрирлар шуни кўрсатадики, аънавий югуришлар билан шуғулланган одамлар гуруҳи танафусли бадан тарбия асосида югурганлар билан солиштирилганда деярли бир хил натижаларга эришган.

Яқинда «Diabetologia» журналы ўтказган тадқиқотга кўра, юриш машқларини оралиқ билан бажариш диабет билан хасталанганларга қондаги қанд миқдорини бошқариш имконини берар экан.

## Гавданинг кичиклашуви

### афзалликка эга

Глобал иқлим ўзгаришлари нафақат заминга, балки ҳайвонот дунёсига инсоният оламига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бунга Австралия миллий университети олимлари олиб борган кейинги тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқламоқда.



«Компьюлент» ахборот агентлиги хабар беришига қараганда, Австралиядаги ҳозирги қушлар танаси XVIII асрдаги аҳдоқларникига нисбатан 4 фоизга кичрайган.

Олимлар музейларда сақланаётган қадимий қушларнинг 8 турини ўлчаб, ҳозирги кундаги қушлар гавдаси билан ҳарорат алмашинуви катта ҳажмдаги таъғиротга содир бўлади.

Уларнинг айтишларича, об-ҳавонинг глобал иссиши ҳар қандай жонотни кичиклаштиради. Негаки, кичкина танача ҳарорат алмашинуви катта ҳажмдаги таъғиротга содир бўлади.

Демак, ўз-ўзидан қушларнинг кичиклашуви кутилмаган жазирамаларга чидамлиликини оширади.

## Янги турдаги шарбат

### юрракка малҳам

Америкалик олимлар 5 та гендан таркиб топган янги турдаги коктейлни ўйлаб топдилар. У инфаркт оқибатида зарарланган ҳужайралар фаолиятини қайта тиклаш қудратига эга ва юрак уришини меъёрлаштиради.



«Аргументы и факты» ҳафталигида чоп этилган ахборотда қайд қилинишича, мазкур технология сичконларда синовдан муваффақиятли ўтди ва кишиларнинг юрак ҳужайраларида ҳам синаб қўрилди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# «Ипотека-банк»: дастурлар ижроси

## ишлаб чиқариш кенгайиши ва янги иш ўринлари очилишига хизмат қилмоқда

■ «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки мамлакатимизда уй-жой қурилишини молиялаш ва ипотека кредитлари бериш бўйича етарли тажрибали молия муассасаси ҳисобланади. Айни пайтда банк республикамиздаги 37 та филиали, 116 та минибанки, 510 дан ортиқ жамгарма ва коммунал кассалари орқали юридик ва жисмоний шахсларга кенг турдаги хизматлар кўрсатмоқда.

Мижозлар учун хизматлар жозибдорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимига бўлган қўниқмаларни мустаҳкамлаш мақсадида, банк мунтазам равишда пластик картчалар бўйича хилма-хил янги хизмат турларини ишлаб чиқиб, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантирмоқда. Шунга кўра, банкнинг муомаладаги пластик картчалар сони 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1 миллион 234 мингдан ортиқни ташкил этди. 17490 га яқин савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали янги «он-лайн» картчаларидан тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшаси, ҳатто, энг олис ва чекка қишлоқларида ҳам замонавий, қулай ва кўркам турар-жойлар барпо этиши, маиший хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. «Ипотека-банк» томонидан вилоятлар маркази ва Тошкент шаҳрида 47 та кўп қаватли уй қурилиши учун 169,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Жами 480 хонадонли 13 та турар-жой фойдаланишга топширилди, 33 та жами 1046 та хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилиши давом этмоқда. Бундан ташқари, 7 та жами 368 хонадонли «Камолот» уйлари қурилиши молиялаштирилмоқда. Ушбу уйлар Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қат-

нашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида ёш оилаларга ипотека кредити асосида берилиши режалаштирилган.

Шунингдек, ёш оилаларнинг мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олишини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ўтган йили банк филиаллари томонидан қарийб 1700 дан ортиқ оилага жами 160,4 млрд. сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури бўйича 450 та ёш оилага жами 41,9 млрд. сўм ипотека кредитлари берилди.

«Ипотека-банк» шаҳар ҳурдуларида кўп қаватли турар-жойлар қуриш билан бирга 2013 йилдан бошлаб, қишлоқ жойларида намунавий уй-жойлар қуриш дастурлари ижросида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил Давлат дастурига кўра, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда банкнинг вилоятлардаги филиаллари орқали республикамизнинг 16 та туманидаги 44 та ер массивларида намунавий лойиҳалар асосида жами 1000 та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга оширилди. Шунингдек, «Ипотека-банк» томонидан

жорий йилда қурилиши режалаштирилган 2144 та намунавий уй-жойлар бўйича 96,5 млрд. сўм миқдорда бошланғич бадалларни шакллантириш режалаштирилган.

Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи мавқега эгаллайди. Шу боис ушбу соҳани ривожлантиришга иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралаётганлиги бежиз эмас. Zero, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматлар юртимиз ялпи ички маҳсулотида салмоқли ўрин тутди. Шунингдек, соҳага ажратилаётган кредитлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун ўринлари яратилишига хизмат қилаётган. Ўтган йилда тадбиркорларга қарийб 662,3 млрд. сўм кредит ажратилди. Zero, тадбиркорликни изга солиш учун зарур бошланғич сармоянинг банк томонидан берилиши кичик корхоналар оқишда қўл келиши шубҳасиз. Ана шу мақсадда 2015 йил 1 январь ҳолатига банк томонидан умумий суммаси қарийб 161,5 млрд. сўмлик микрокредитлар берилди. Натижада сармоялар ва микрокредитлар эвазига қарийб 15700 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Эътиборлиси, кредитлар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатлари билан муҳим бўлган йўналишларда ажратилмоқда. Масалан, банк филиаллари орқали аёллар ўртасида тадбиркорлик кўниқмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш учун қарийб 75 млрд. сўм кредитлар йўналтирилди. Ноқий-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун 162 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш учун 107 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар

**2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк устав капиталы 181,5 млрд. сўми, кредит портфели 2,5 трлн. сўми, депозит базаси қарийб 1,8 трлн. сўми ташкил қилиб, аҳоли омонатлари 473,3 млрд. сўмга етди.**

ажратилди. Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қарийб 97 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан биргаликда, ишбилармонлик кўниқмаларини мустаҳкамлаш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 8,3 млрд. сўмга яқин маблағ, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳалари учун қарийб 15,5 млрд. сўм, ёш оилаларга ўз бизнесларини ташкил қилиш учун эса 10 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилиши «Ипотека-банк» фаолиятидаги муҳим йўналишлардир.

Юртимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишда банкларнинг капиталлашув даражаси муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ҳуқуқат томонидан мазкур масалада бир қатор қарорларнинг ҳаётга татбиқ қилинаётгани хорижий ва маҳаллий сармояларни жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса тижорат



фаолияти юксалишига салмоқли хисса қўшмоқда.

«Ипотека-банк» ўз салоҳиятига кўра, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаш имкониятига эга. Жумладан, банк томонидан ўтган йилда 624,1 млрд. сўм инвестицион характерга эга бўлган кредитлар ажратилди.

2014 йил Инвестиция дастурига кўра «Ипотека-банк»нинг асосий миқозлари бўлган Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» ва бошқа корхоналар томонидан амалга оширилаётган жами 959,6 млн. АҚШ доллари миқдордаги 22 та лойиҳа киритилган. Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг жами 845,6 млн. АҚШ доллари 14 та лойиҳасидан 11 таси бўйича молиялаштириш очилган. Мазкур лойиҳалар бўйича банк томонидан жами 252,6 млн. АҚШ доллар ажратилди. 2014 йил давомида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг етти та лойиҳаси, хусусан, «Жиззах вилоятида портланд цемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш» ва «Ангрен марказий индустриал зонасида турли диаметрдаги мис трубалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳалари фойдаланишга топширилди.

Мухтасар айтганда, «Ипотека-банк» томонидан юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хисса қўшадиган ҳар бир лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса халқ фаровонлиги, озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ҳажмини ошириш, нарх барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаётган.

**Алишер РЎЗИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хизматлар лицензияланган.

# Ўзбек цирк санъати

## хорижда ҳам машҳур

Тошкент давлат цирки директори Садриддин Курбонов билан суҳбат

— Цирк томошалари болаларнинг дунёқарашини бойитиш ҳамда узқоқ ва соғлом вояга етишида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда намойиш қилинаётган дастурларда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилди?

— Айни вақтда жамоамизда 60 нафардан зиёд цирк санъати усталари бор. Дастурларимизни мунтазам тўлдириб, янгилаб бориш мақсадида алоҳида режа тузганмиз. Бунда асосан ўзбек цирк санъатининг ўзига хос томонларига эътибор қаратдик. Дорбозлар ва чавандозларнинг чиқишлари, ҳайвонлар билан ўйинларга эса кўнгил ажратдик. Томошаларимиз орқали болаларнинг дунёқарашини бойитиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида эртақ ҳақрамонларнинг акробатлар, гимнастикачилар чиқишлари билан янада бойитдик. Утган йил декабрь ойида «Циркда янги йил томошалари» дастурига турли вилоятлардан 200 минг нафарга яқин томошабин таъриф буюрди. Бундан ташқари,



Москва давлат цирки жамоасини ҳам тақлиф қилган эдик. Хориждаги ҳамкасбларимиз «Шерлар орасида» номили дастури билан пойтахтимизда 8 ноябрдан 14 декабргача қизқарли томошалар намойиш этишди.

— Ўзбек цирк санъати узоқ тарихга эга. Бу борада кўп йиллик ортирилган тажриба, авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъаналар бор...

— Ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўз цирки, ўз услуби, ўзига хос тарзда томошабин кўнглига йўл топиш усуллари мавжуд. Бизнинг цирк санъатимиз эса дарбоз ўйинлари, чавандозлик ва акробатика жанрларидаги мураккаб элементларни бажариши билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун биз билан таъкидлаш керакки, мазкур мураккаб машқларни пухта

ўзлаштирган моҳир цирк усталаримиз кўплаб топилади.

Шу ўринда ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг цирк санъатимизни Европа, Осиё, Африка мамлакатларидаги цирк иҳлосмандлари юқори баҳолашади. Шу боис тез-тез турли давлатлардан тақлифлар олиб тураемиз. Кўп йиллардан буён чавандоз, дорбозларимиз турли халқаро фестивалларда фахрли ўринларга сазовор бўлишмоқда. Масалан, Хитойда бўлиб ўтган халқаро цирк фестивалининг иштироки билан фахрли ўринни эгаллади. Унда Ҳаким Зарипов раҳбарлик қилаётган уч нафар чавандозимиз чопайтган от устида бажариш қийин бўлган мураккаб трюкларни моҳирлик билан амалга ошириб, томошабинларни лол қолдирган эди. Бундай ижро ҳали ҳеч ким томонидан амалга оширилмагани боис ўзбек чавандозларининг исми-фамилияси «Хитой рекордлар китоби»га киритилди. Яқинда ушбу мамлакатдан тақлиф олдик. Уларни ҳайратга солган машҳур трюкчимиз яна курашни истаётганлигини алоҳида таъкидлашган.

2011 йили Рига шаҳрида бўлиб ўтган халқаро фестивалда ҳам циркнинг ёш вакиллари Рустам ва Комила Ҳаметовалар ижросидаги «Шарқона дуэт» ижроси муҳлисларнинг катта қизиқиш ва ҳайратига сабаб бўлган эди. Ушунда ўз маҳоратини намойиш қилган ёшларимиз фахрли 1-ўринга лойиқ кўрилган эди.

— Мамлакатимизда ижтимоий муаммо масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Бу борада цирк жамоаси қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Тегишли идора ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда муруват акцияларини мунтазам ўтказиб боришни йўлга қўйганмиз. Масалан, «Циркда янги йил томошалари» дастурига Тошкент вилояти ва пойтахтимиз маҳаллаларида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 4500 нафардан зиёд фарзанди, Меҳрибонлик уйларидаги 10 000 нафар

тарбияланувчиси тақлиф этилди. Бундан ташқари, Москва давлат цирки жамоаси томошаларининг бир кунини хайрия акциясига бағишладик. Келгусида мана шундай муруват акцияларини республикамиз бўйлаб ўтказиб бориш режасини ишлаб чиқаямиз.

— Сўхбатимиз сўнггида келгусидаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Утган йилдан бошлаб пойтахтимиздаги Республика эстрада ва цирк колледжи билан ҳамкорлигимизни янги bosқичга кўтардик. Унга кўра, битирувчи талабалар циркимиз аренасида диплом ишига доир чиқишларини намойиш қилади. Биринчи ва иккинчи курс талабаларининг келиб амалиёт машғулотларини ўтказишига етарли вақт ажратиш, моҳир артистларимизни ҳам жалб қилдик. Уларнинг орасидан энг иқтидорлиларини иш билан таъминлашга эътибор қаратдик. Утган йилда ана шундай ёшларимиздан 20 нафарга яқинини ишга қабул қилдик. Айни вақтда катта иштиёқ билан меҳнат қилаётган ёшларимиз сафи ортиб бормоқда. Бундан ташқари, шу кунларда халқаро алоқаларимиз доирасини кенгайтириб бориш режасини ишлаб чиқаямиз. Хориж мамлакатларидан олган тақлифларимизга кўра, гастроль сафарларимиздаги дастурларни янгилаш устида илзанишлар олиб бораемиз.

### КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Мен касб-ҳунар коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Касбим тақозоси ва қизиқшим сабабли чоп этилаётган янги китобларни имкон қадар ўқишга ҳаракат қиламан.

## Ўзбекистон ва жаҳон

Яқинда «Yurist-media markazi» нашриётида чоп этилган филология фанлари номзоди Олимжон Ҳасановнинг «Ўзбекистон ва жаҳон: халқаро алоқалар, давлатларaro муносабатлар ва иштиқболли ҳамкорлик» китоби кўлимга тушиб қолди.

Кўни кеча марказий газеталаримиз бирда мазкур китоб «Иллинг энг яхши китоби» VI Республика танловида «Ижтимоий-сиёсий адабиёт» номинациясида 3-даражали диплом билан тақдирланганлиги ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим ва мен ҳам бу китоб ҳақидаги таассуротларимни газетанонлар билан баҳам қилишга қарор қилдим.

Китобда муаллифнинг халқаро муносабатлар мавзусига оид мақолалари жамланган. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий веб-сайтлари ҳамда марказий оммавий ахборот воситаларида ўзбек, инглиз ва рус тилларида эълон қилинган ушбу мақолаларда Ўзбекистоннинг Хитой, Германия, Корея, Италия, Испания, Латвия сингари дунёнинг қатор ривожланган мамлакатлари билан ишончли шериклик ва мустақам ҳамкорлик алоқалари атрофида таҳлил қилинган. Ҳар бири китобни ўқиш жараёнида мамлакатимизнинг халқаро муносабатлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш билан бирга, қатор ривожланган давлатларга ҳаёлан саёҳат қилади.

Китобда берилган турли фотосуратлар ва қизиқарли маълумотлар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди, албатта. Мен бу маълумотлардан дарс ўтиш жараёнида ҳам фойдаланиб келаяман. Бунинг учун муаллифга ўз миннатдорчилигини билдиришмоқчиман. Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари ҳаёти ҳақидаги қизиқарли китоблар янада кўпроқ чоп этилишини хоҳлардим.

Рустамжон ОРТИҚОВ,  
Нурота саноат қончилиқ касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

### АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

## Айблов ва оқлов

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати жиноят қилганликда айбланган Бўстонлик туманида яшовчи Бехзод Усмонбоевни айбсиз, деб топди.

Бу воқеага 13 йил бўлди. Ун уч йилдирки, Бўстонлик тумани Соёлик қишлоғида яшовчи Усмонбоевлар оиласида ҳаловат йўқ. Улар ноҳақликка учрадик, дея турли идораларга шикоят қилиб келди. Ниҳоят, яқинда ҳақиқат қарор топди.

Аслида нима бўлган эди ўзи?

— Ҳамма гап шундаки, гўёки мен 2002 йилнинг 12 март кунини эрталаб отам билан биргаликда ҳамқишлоғим Жўра Авазовни уриб, унга тан жароҳати етказганимшаман, — дейди Бехзод. — Ваҳоланки, мен уша кўни Бўстонликдан ташқарида, яъни Тошкентда бўлганман. Ўқишга кириш мақсадида тиббий кўриқдан ўтиш учун Дилшод деган бола билан Республика руҳий касалликлар шифонахасидан кўриқдан ўтиб маълумотнома олганман. Ва уша кўни қишлоққа қайтмаганман. Дилшодларнинг уйда қолганман. Бирок, терговчилар Жўра Авазовга тан жароҳати етказганим, дея айблов «ишчи» судга ўтказишди. Айбсиз айбдор бўлиб қолдим?..

Шу ўринда «жабрланувчи» Жўра Авазов ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак мақсадида мувофиқ бўлади. Сабаби, баъзи ҳолатларга аниқлик киритишда унинг шаҳси маълум даражада аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Жўра Авазов турли жиноятлари учун шу кунгача етти марта судланган (хавфли рецидивист). У ҳозирги кунда ҳам жиноят содир этганлиги учун жазо муддатини қаттиқ тартибли калонияда ўтамоқда.

Биз Бехзод Усмонбоевнинг 2002 йил 12 мартда Бўстонлик туманида бўлган ёки бўлмаганлиги, Жўра Авазовни урган ёки урмаганлигига аниқлик киритиш мақсадида воқеа жойида бўлган гувоҳлар билан юзма-юз учрашиб, суҳбатлашдик.

Бехзод Усмонбоевнинг 2002 йил 12 мартда воқеа жойида умуман бўлмаганлигини тасдиқловчи қатор далиллар мавжуд. Кўлимизда Республика руҳий касалликлар шифонахасидан олинган маълумотнома бор. Унда айнан шундай сўзлар ёзилган: «Бўстонлик тумани Соёлик қишлоғида истиқомат қилувчи Бехзод Усмонбоев 2002 йил 12 март кунини муражаат қилган — Республика руҳий касалликлар шифонахаси диспансер бўлимига ва ерда №8 билан охириги 5 йилликда муражаат қилмаган».

Яна бир эътиборга молик жиҳатга тўхталсак. Бехзод Усмонбоев ҳарбий билим юртига ўқишга кириш учун 2002 йилнинг баҳорида Бўстонлик тумани ИИБ бошлигининг рўхсатномаси билан тиббий маълумотнома тўплай бошлаган. Уша йилнинг ёзида имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, Тошкент олий ҳарбий техник билим юртига ўқишга кирди. Орада бир неча бор уйига — Соёлик қишлоғига бориб келди. Бирок негадир унга нисбатан «кидирув» эълон қилинади.

— 2002 йил 6 сентябрда билим юрти дарвозаси олдида мени кутишадганини айтишди, — дейди Бехзод Усмонбоев. — Улар ўзларини жиноят кидирув ходимлари, деб таништиришди. Бир йилгити урибсан деб, Бўстонликка олиб кетишди. Туман ички ишлар бўлими терговчиси Еқуб Қаноков ёзилган ва бўш (ҳеч нарса ёзилмаган демоқчи) қоғозларга алдаб қўл кўйдирди. Кейин эса суд бўлди. Шундан бери оворамиз-да...

Равшан ШОДИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

### РЕКЛАМА

## ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.



АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонн

Телефоны:  
(0-371) 262-97-78,  
Факс:(0-371) 262-23-61,  
(+99890) 187-52-05,  
(+99890) 315-99-17  
www.avtokran.uz.  
email:cst2008@mail.ru

Товар сертифицирован.

### «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖ

2015 йил 3 февраль кунини ўтказилайдиган очик аукцион савдоларига қўйилган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 323-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармаси автокорхонаси балансидаги 1990 й.и/ч, д/р 10ТQ728, бошланғич нархи 3 100 000 сўм бўлган «ЗИЛ-ММ3-4502»; 1991 й.и/ч, д/р 10ТQ727, бошланғич нархи 3 000 000 сўм бўлган «ЗИЛ-ММ3-4505»; 1977 й.и/ч, д/р 10ТQ731, бошланғич нархи 2 600 000 сўм бўлган «ЗИЛ-130»; 1989 й.и/ч, д/р 10ТQ753, бошланғич нархи 2 300

000 сўм бўлган «ГАЗ-53-12» русумли автотранспорт воситалари савдодан олинганлиги муносабати билан аукцион савдолари бекор қилинганлигини маълум қилади.

Буортмаларни бекор қилиш ва закатал пулини қайтариш масалалари юзасидан муражаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхантаҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-уй. Алоқа телефони (+998 95) 143-69-97, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Гувоҳнома № 005414-05



Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSLIMIDDIN	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159  
20566  
nuxsada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materialari  
O'za yakuni — 21.15  
Topshirilgan vaqti — 22.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6